


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

2022 №5

2011 йилдан чиқа бошлаган

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI  
**AXBOROTNOMASI**



**В Е С Т Н И К**  
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

Тошкент

## СОДЕРЖАНИЕ

## CONTENT

НОВЫЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ	NEW PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES	
Базарбаев М.И., Сайфуллаева Д.И., Рахимов Б.Т., Жураева З.Р. РОЛЬ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В МЕДИЦИНЕ И БИМЕДИЦИНСКОЙ ИНЖЕНЕРИИ В ПОДГОТОВКЕ БУДУЩИХ СПЕЦИАЛИСТОВ В ПЕРИОД ЦИФРОВОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ В ОБРАЗОВАНИИ	Bazarbaev M.I., Saifullaeva D.I., Rakhimov B.T., Zhuraeva Z.R. THE ROLE OF INFORMATION TECHNOLOGIES IN MEDICINE AND BIOMEDICAL ENGINEERING IN THE TRAINING OF FUTURE SPECIALISTS IN THE PERIOD OF DIGITAL TRANSFORMATION IN EDUCATION	8
ОБЗОРЫ	REVIEWS	
Алимов Ж.М., Каримова Н.С., Исроилов Б.С., Агзамов О.А. ЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ОПУХОЛЕЙ ОБЛАСТИ НОСОГЛОТКИ В МИРЕ И РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН	Alimov J.M., Karimova N.S., Isroilov B.S., Agzamov O.A. EPIDEMIOLOGICAL ASPECTS OF TUMORS OF THE NASOPHARYNX IN THE WORLD AND THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN	14
Бобомуратов Т.А., Файзиев Н.Н., Маллаев Ш.Ш. КОРОНАВИРУСНЫЕ ИНФЕКЦИИ У ДЕТЕЙ, КЛИНИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ, ДИАГНОСТИКА, ЛЕЧЕНИЕ	Bobomuratov T.A., Faiziev N.N., Mallaev Sh.Sh. CORONAVIRUS INFECTIONS IN CHILDREN, CLINICAL FEATURES, DIAGNOSIS, TREATMENT	21
Жумаев А.Х., Саидов А.А. СРАВНИТЕЛЬНАЯ ОЦЕНКА СТОМАТОЛОГИЧЕСКОГО СТАТУСА ПАЦИЕНТОВ СТАРШИХ ВОЗРАСТНЫХ ГРУПП ПРИ ПРОТЕЗИРОВАНИИ СЪЕМНЫМИ ПРОТЕЗАМИ	Jumaev A.Kh., Saidov A.A. COMPARATIVE EVALUATION OF THE DENTAL STATUS OF PATIENTS OF OLDER AGE GROUPS DURING PROSTHETICS WITH REMOVABLE PROSTHESES	24
Нурметов Х.Т., Маруфханов Х.М., Талипов Р.М. НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ПАТОГЕНЕЗА АНКИЛОЗИРУЮЩЕГО СПОНДИЛОАРТРИТА	Nurmetov Kh.T., Marufkhanov Kh.M., Talipov R.M. SOME ASPECTS OF THE PATHOGENESIS OF ANKYLOSING SPONDYLITIS	27
Раджапова Ф.Р., Махкамова Ф.Т. РАННИЙ ДЕТСКИЙ КАРИЕС	Radzhapova F.R., Makhkamova F.T. EARLY CHILDHOOD CARIES	30
Рахманова Ф.Э., Холмуродова Д.К. РОЛЬ ОКСИДА АЗОТА В ЛЕЧЕНИИ НЕЗАЖИВАЮЩИХ КОЖНЫХ РАН	Rakhmanova F.E., Kholmurodova D.K. THE ROLE OF NITRIC OXIDE IN THE TREATMENT OF NON-HEALING SKIN WOUNDS	34
Тавашаров Б.Н., Утегенов Ю.И., Усмонов Б.Б. ОСОБЕННОСТИ ПРЕОПЕРАЦИОННОЙ ПОДГОТОВКИ У БОЛЬНЫХ С МОРБИДНОМ ОЖИРЕНИЕМ	Tavasharov B.N., Utegenov Yu.I., Usmonov B.B. FEATURES OF PREOPERATIVE PREPARATION IN PATIENTS WITH MORBID OBESITY	38
Тухсанова Н.Э. ДЕЙСТВИЕ ЭТИЛОВОГО СПИРТА НА ЦЕНТРАЛЬНУЮ НЕРВНУЮ СИСТЕМУ ЧЕЛОВЕКА И ЖИВОТНЫХ	Tukhsanova N.E. THE EFFECT OF ETHYL ALCOHOL ON THE CENTRAL NERVOUS SYSTEM OF HUMANS AND ANIMALS	43
Тухтаев Б.У., Юсупов А.А., Саидов Т.Т. РОЛЬ И МЕСТО ЛАЗЕРНЫХ МЕТОДОВ В КОМПЛЕКСНОЙ ТЕРАПИИ ОТКРЫТОУГОЛЬНОЙ ГЛАУКОМЫ	Tuxtayev B.U., Yusupov A.A., Saidov T.T. THE ROLE AND PLACE OF THE LASER METHODS IN COMPLEX THERAPY OF PRIMARY OPEN ANGLE GLAUCOMA	46
Усербаева Р.К., Ашуров З.Ш., Лян Е.М., Толипова Н.Ш., Ражабов М.Н., Зокиров М.М. ВЗАИМОВЛИЯНИЕ ТРЕВОЖНЫХ РАССТРОЙСТВ РОДИТЕЛЕЙ И ИХ ДЕТЕЙ	Userbayeva R.K., Ashurov Z.Sh., Lyan Y.M., Tolipova N.Sh., Rajabov M.N., Zokirov M.M. THE INTERACTION OF ANXIETY DISORDERS BETWEEN PARENTS AND THEIR CHILDREN	50
Юлдашев Б.С. РЕГИОНАРНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПРОБЛЕМЫ РЕЦИДИВИРУЮЩЕГО РАКА МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ	Yuldashev B.S. REGIONAL FEATURES OF THE PROBLEM OF RECURRENT BREAST CANCER	53
ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНАЯ БИОЛОГИЯ И МЕДИЦИНА	EXPERIMENTAL BIOLOGY AND MEDICINE	
Мустафоев З.М., Бахронов Ж.Д. МОРФОМЕТРИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ЧАСТЕЙ НЕФРОНА ПОЧЕК КРЫС В НОРМЕ И ПРИ ПОЛИПРАГМАЗИИ ПРОТИВОВОСПАЛИТЕЛЬНЫМИ ПРЕПАРАТАМИ	Mustafоеv Z.M., Bakhronov J.D. MORPHOMETRIC CHARACTERISTICS OF PARTS OF RAT'S KIDNEY NEPHRON IN NORMALITY AND IN POLYPRAGMASIA WITH ANTI-INFLAMMATORY PREPARATIONS	57
Чориева З.Ю., Адилбекова Д.Б. ОЦЕНКА МОРФОЛОГИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ ПОЧЕК ПОТОМСТВА, РОЖДЕННЫХ ОТ МАТЕРЕЙ С ХРОНИЧЕСКИМ ТОКСИЧЕСКИМ ГЕПАТИТОМ	Chorieva Z.Yu., Adilbekova D.B. ASSESSMENT OF THE MORPHOLOGICAL STATE OF THE KIDNEYS OF OFFSPRING BORN TO MOTHERS WITH CHRONIC TOXIC HEPATITIS	60

Эрназаров Х.И., Эргашев У.Ю., Исраилов Р.И. ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНО-МОРФОЛОГИЧЕСКОЕ ОБОСНОВАНИЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ РЕОМАННИСОЛА В ЛЕЧЕНИИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ МОДЕЛИ ДИАБЕТИЧЕСКОЙ СТОПЫ	Ernazarov Kh.I., Ergashev U.Yu., Israilov R.I. EXPERIMENTAL AND MORPHOLOGICAL SUBSTANTIATION OF THE USE OF REOMANNISOL IN THE TREATMENT OF AN EXPERIMENTAL MODEL OF DIABETIC FOOT.	63
<b>КЛИНИЧЕСКАЯ МЕДИЦИНА</b>	<b>CLINICAL MEDICINE</b>	
Абдуллаев У.М., Алиев Ш.Р., Нурузова З.А. ЎТКИР ВА СУРУНКАЛИ РИНОСИНОСИТ ЭТИОЛОГИЯСИДА БАКТЕРИЯЛАРНИНГ РОЛИ ВА УЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ АНТИБИОТИКЛАРГА СЕЗГИРЛИГИ	Abdullayev U.M., Aliyev Sh.R., Nuruzova Z.A. THE ROLE OF BACTERIA IN ACUTE AND CHRONIC RHINOSINOCYTOLOGY AND THEIR SENSITIVITY TO MODERN ANTIBIOTICS	70
Абдурахманов Д.Ш., Курбаниязов З.Б., Махмудов С.Б., Давлатов С.С. ТЕХНИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ ВЕНТРАЛЬНЫХ ГРЫЖ У БОЛЬНЫХ С МОРБИДНЫМ ОЖИРЕНИЕМ	Abdurakhmanov D.Sh., Kurbaniyazov Z.B., Makhmudov S.B., Davlatov S.S. TECHNICAL ASPECTS OF SURGICAL TREATMENT OF VENTAL HERNIAS IN PATIENTS WITH MORBID OBESITY	74
Акилов Х.А., Мамажонов У.Ш., Тошбоев Ш.О. УСОВЕРШЕНСТВОВАННЫЙ ТРАНСАНАЛЬНЫЙ СПОСОБ КОЛОАНАЛЬНОГО АНАСТОМОЗА ПРИ БОЛЕЗНИ ГИРШПРУНГА У ДЕТЕЙ	Akilov Kh.A., Mamazhonov U.Sh., Toshboev Sh.O. IMPROVED TRANSANAL METHOD OF COLONANAL ANASTOMOSIS IN HIRSCHSPRUNG'S DISEASE IN CHILDREN	84
Алимова Н.П., Асадова Н.Х., Азимова З.С. СПОСОБ ДИАГНОСТИКИ СОСТОЯНИЯ ЛИМФОИДНОЙ ТКАНИ ГЛОТОЧНОЙ МИНДАЛИНЫ У ДЕТЕЙ С ГИПЕРТРОФИЕЙ АДЕНОИДОВ	Alimova N.P., Asadova N.Kh., Azimova Z.S. METHOD OF DIAGNOSIS OF THE STATUS OF LYMPHOID TISSUE OF THE PHARYNX IN THE CHILDREN WITH ADENOID HYPERTROPHY	93
Арзиев И.А. ХИРУРГИЧЕСКАЯ КОРРЕКЦИЯ НАРУЖНОГО И ВНУТРИБРЮШНОГО ЖЕЛЧЕИСТЕЧЕНИЯ ПОСЛЕ ХОЛЕЦИСТЭКТОМИИ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ МИНИИНВАЗИВНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ	Arziev I.A. SURGICAL CORRECTION OF EXTERNAL AND INTRA-ABDOMINAL BILE LEAKAGE AFTER CHOLECYSTECTOMY USING MINIMALLY INVASIVE TECHNOLOGIES	97
Фиёсов З.А., Махсумхонов К.А., Бахриев И.И. ТУГАЛЛАНГАН СУИЦИД ҲОЛАТЛАРИДА ЎЛИМ ТУРЛАРИ СТРУКТУРАСИ	Giyasov Z.A., Maxsumxonov Q.A., Bakhriev I.I. STRUCTURE OF TYPES OF DEATH IN COMPLETE SUICIDES	102
Даминов Т.А., Туйчиев Л.Н., Таджиева Н.У., Абдухалилова Г.К., Раббимова Н.Т. НАЗОФАРИН-ГЕАЛЬНОЕ НОСИТЕЛЬСТВО STR. Е У ВЗРОСЛЫХ	Daminov T.A., Tuychiev L.N., Tadzhiyeva N.U., Abdukhaliyeva G.K., Rabbimova N.T. NASOPHARYN-GEAL CARRIAGE OF STR. PNEUMONIAE IN ADULTS	108
Даминова Л.Т., Абдашимов З.Б., Касымов А.Ш. МЕДИКО-ГЕНЕТИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА НЕЖЕЛАТЕЛЬНЫХ ЛЕКАРСТВЕННЫХ РЕАКЦИЙ ПРИ НАЗНАЧЕНИИ НЕСТЕРОИДНЫХ ПРОТИВОВОСПАЛИТЕЛЬНЫХ ПРЕПАРАТОВ	Daminova L.T., Abdashimov Z.B., Kasymov A.Sh. MEDICAL AND GENETIC CHARACTERISTICS OF ADVERSE DRUG REACTIONS IN THE APPOINTMENT OF NON-STEROIDAL ANTI-INFLAMMATORY DRUGS	113
Индиаминов С.И., Ким А.А., Асатулаев А.Ф. ТЕРМИК ШИКАСТЛАНИШ ВА ЎТКИР АЛКОГОЛЛИ ЗАҲАРЛАНИШ ФОНИДА ЎТКИР УГЛЕРОД ОКСИДИ БИЛАН ЗАҲАРЛАНИШДА МИЯ ТУЗИЛМАЛАРИГА ЗАРАР ЕТКАЗИШ ХУСУСИЯТЛАРИ	Indiaminov S.I., Kim A.A., Asatulayev A.F. CHARACTERISTICS OF DAMAGE TO BRAIN STRUCTURES IN ACUTE CARBON MONOXIDE POISONING AGAINST THE BACKGROUND OF THERMAL INJURY AND ACUTE ALCOHOL INTOXICATION	118
Исмаилов С.И., Оразалиев Г.Б., Султанов С.А., Нишанов М.Ф., Тургунбоев Э.К., Маткаримов Ш.У. ПОКАЗАТЕЛИ КАЧЕСТВА ЖИЗНИ ПОСЛЕ РАЗЛИЧНЫХ АБДОМИНАЛЬНЫХ ОПЕРАТИВНЫХ ВМЕШАТЕЛЬСТВ В ОЦЕНКЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ АНТИАДГЕЗИВНЫХ СВОЙСТВ ПРЕПАРАТА ХЕМОБЕН	Ismailov S.I., Orzaliev G.B., Sultanov S.A., Nishanov M.F., Turgunboev E.K., Matkarimov Sh.U. QUALITY OF LIFE INDICATORS AFTER VARIOUS ABDOMINAL SURGICAL INTERVENTIONS IN ASSESSING THE EFFECTIVENESS OF THE ANTI-ADHESIVE PROPERTIES OF THE DRUG CHEMOBEN	123
Исраилов Р., Мамаджанов Б. С. VERTEBRAL LIGAMENT ГИПЕРТРОФИЯСИНИНГ ПАТОМОРФОЛОГИЯСИ	Israilov R., Mamadzhanov B.S. PATHOMORPHOLOGY OF HYPERTROPHY OF THE VERTEBRAL LIGAMENT	129
Махкамов М.Э., Балтабаев О.К., Халмуратова У., Ережепов Б., Муртазаев С.С., Журабоева Н.А., Рустамов О.И. ДИФФЕРЕНЦИРОВАННЫЙ ПОДХОД К ОРТОДОНТИЧЕСКОЙ КОРРЕКЦИИ У ДЕТЕЙ С ВРОЖДЕННОЙ ОДНОСТОРОННЕЙ РАСЩЕЛИНОЙ ВЕРХНЕЙ ГУБЫ И НЕБА	Makhkamov M.E., Baltabaev O.K., Khalmuratova U., Erezhepov B., Murtazaev S.S., Zhuraboieva N.A., Rustamov O.I. DIFFERENTIATED APPROACH TO ORTHODONTIC CORRECTION IN CHILDREN WITH CONGENITAL UNILATERAL CLEFT LIP AND PALATE	133
Ризаев Ж.А., Рахимов Н.М., Кодиров Х.Х. ЎЗБЕКИСТОНДА ПРОСТАТА БЕЗИ САРАТОННИНИ ЁШГА ХОС ТАРҚАЛИШИ ТРЕНДЛАРИ ВА ҚОНУНИЯТЛАРИ	Rizaev Zh.A., Rakhimov N.M., Kadirov H.Kh. REGULARITIES AND TRANDS OF AGE DISTRIBUTION OF PROSTATE CANCER IN UZBEKISTAN	137

**ТУГАЛЛАНГАН СУИЦИД ҲОЛАТЛАРИДА ЎЛИМ ТУРЛАРИ СТРУКТУРАСИ**

Фиёсов З.А., Махсумхонов К.А., Бахриев И.И.

**СТРУКТУРА ПОКАЗАТЕЛЕЙ СМЕРТИ ПРИ ЗАВЕРШЕННЫХ СУИЦИДАХ**

Гиясов З.А., Махсумхонов К.А., Бахриев И.И.

**STRUCTURE OF TYPES OF DEATH IN COMPLETE SUICIDES**

Giyasov Z.A., Maxsumxonov Q.A., Bakhriev I.I.

Тошкент тиббиёт академияси

**Цель:** анализ случаев смерти завершеного суицида в Узбекистане по данным материалов судебно-медицинской экспертизы трупов в 1992-2019 гг. **Материал и методы:** изучены абсолютные и относительные показатели смертности в зависимости от пола суицидентов. Анализ показателей смертности проводился с помощью метода ретроспективного статистического анализа сведений из официальных отчетов о деятельности судебно-медицинских учреждений страны. **Результаты:** динамике смертности вследствие суицидальных наклонностей свойственны постоянство и периодичность. Обычно завершённый суицид является многофакторным явлением, в возникновении которого играют роль, прежде всего, экономические, социальные и медицинские факторы. **Выводы:** смертность от суицида в Узбекистане за годы исследований проявила себя как явление внутреннего значения. Внутренняя сущность завершеного суицида впервые проявилась в непрерывности и периодичности этих событий для данного региона и данного общества.

**Ключевые слова:** судебно-медицинская экспертиза, завершённый суицид, факторы риска, показатели летального исхода, динамическое изменение, меры профилактики.

**Objective:** The article analyzes the dynamics of death rates from suicides in Uzbekistan in 1992-2019. **Material and methods:** The official reporting data of the forensic medical examination institutions in the country and the conclusions of the autopsy experts related to the assassination were retrospectively analyzed, some of the data were created and statistical processed on them. **Results:** The results of the study showed that, it was found that the dynamics of mortality from suicidality is characteristic of such characteristics as permanence and periodicity. This requires a new bias in relation to the issue of the cause of the occurrence of self-destruct phenomena, risk factors and the profile of suicidality. After all, as already mentioned above, usually completed abuse is recognized as a multi-factor phenomenon, and in its occurrence it is emphasized primarily by the importance of economic, social and medical factors. **Conclusions:** Suicide rates in Uzbekistan over the years of the study have proven to be intrinsic. The intrinsic nature of a completed suicide was first manifested in the continuity and periodicity of these events for the region and this society.

**Key words:** forensic medical examination, completed suicide, risk factors, indicators of death, dynamic change, preventive measures.

Тугалланган суицид билан боғлиқ мурдалар экспертизаси суд-тиббий экспертиза амалиётида салмоқли ўрин тутлади. Хусусан, расмий ҳисобот маълумотларига кўра Ўзбекистонда суицид билан боғлиқ ўлим жами мурда экспертизаларининг 14%ни, зўраки ўлимнинг эса 22%ни ташкил этади [2].

Шу нуқтаи-назардан суд-тиббий экспертиза хизматининг маълумотлари аҳолининг саломатлик ҳолати мониторингини ўтказиш имкониятини берадиган манба ва воситалардан бири сифатида эътиборга моликдир. Зеро, суд-тиббий экспертиза материаллари бўйича травма, заҳарланиш ва ўлим ҳолатларининг сабаблари, уларнинг юзага келишида аҳамиятли бўлган хавф омилларини тизимли кўринишда, даврий равишда ўрганиш мамлакатдаги аҳолининг саломатлик ҳолати, ўлим сони ҳамда унинг сабабларини аниқлаш ва объектив баҳолаш имконини яратади. Бу эса ўз навбатида зўраки ўлим ҳолатларининг олдини олишга қаратилган мақсадли ва самарали профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқишда аҳамиятли эканлигини инкор этиб бўлмайди.

Бинобарин, юқорида қайд этилганидек, зўраки ўлим кўринишларидан ҳисобланган суициддан ўлим ҳолатлари ҳам жамиятдаги демографик кўр-

саткичларга жиддий салбий таъсир этадиган омиллардан биридир.

**Тадқиқот мақсади**

Ўзбекистонда 1992-2019 йилларда ўтказилган мурдалар суд-тиббий экспертизалари материаллари бўйича суициддан ўлим кўрсаткичларини динамик таҳлил этиш.

**Материал ва усуллар**

Тадқиқот жараёнида суициддан ўлим абсолют ва нисбий кўрсаткичларда таҳлил этилди. Суициддан ўлим кўрсаткичларининг ушбу таҳлили суд-тиббий экспертиза хизмати муассасаларининг 1992-2019 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги расмий статистик ҳисобот маълумотларини ретроспектив таҳлили натижаларига асосланди. Нисбий кўрсаткичлар суициддан ўлимнинг абсолют сонлардаги кўрсаткичларини мазкур йиллардаги жами зўраки ўлимга ва жами мурдалар экспертизаси нисбатида, шунингдек, суициддан ўлим кўрсаткичини 100000 аҳоли сонига нисбатида ўрганилди.

Тадқиқот йилларида мамлакат аҳолиси тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан олинди. Бунда аҳоли сонини мамлакат ҳудудлари, ёш ва жинс гуруҳлари бўйича тақсимланиши ўрганилди.

Тадқиқотлар натижасида компьютерда махсус дастур ёрдамида маълумотлар базаси яратилди ва Microsoft Office Excel пакет дастурлари ёрдамида статистик ишлов берилди.


### Натижалар ва муҳокама

#### 1. Абсолют сонлардаги ўлим кўрсаткичи.

1.1. Тадқиқот йилларида Ўзбекистонда суицид билан боғлиқ жами 49924 та мурдалар экспертизаси ўтказилган. Ўлим кўрсаткичини тадқиқот йиллари кесимида тақсимланиши ўрганилганда, суициддан ўлимнинг динамикаси тўлқинсимон кўринишга эга эканлиги маълум бўлди. Ушбу хусусият ҳодисалар сонининг ортиб бориши уларни камайиши билан даврий равишда алмашилишида намоён бўлган.

Хусусан, дастлабки 1992 йилда қайд этилган 1253 та суициддан ўлим ҳодисалар сони шарт-

ли равишда 100% деб инобатга олинди. 1994 йилда (n=1157) ушбу кўрсаткич 92%ни ташкил этган, яъни 8%га камайган. 1995 йилдан (n=1373) бошланган суициддан ўлим интенсивлигининг ортиб бориш динамикаси 2000 йилгача давом этган (n=2080). Зеро, сўнгги йилда ўлим кўрсаткичининг ўсиши 1992 йилга нисбатан 166%ни ташкил этган. 2001 йилдан (n=1988) бошланган камайиш динамикаси 2008 йилгача (n=1397) давом этган. Сўнгги йилда ўлим кўрсаткичи 1992 йилга нисбатан 111% га тенг бўлган. 2009 йилдан (n=1604) бошланган иккинчи кўтарилиш даври максимал кўрсаткичга 2016 йилда (n=2576) етган. Ушбу йилда суициддан ўлим кўрсаткичи 1992 йилга нисбатан 205% ни ташкил этган ( $P \leq 0,001$ ) (1-расм).



1-расм. Суициддан ўлим ва аҳоли сонининг нисбий ўсиш динамикасининг қиёсий таҳлили

Албатта, абсолют сондаги ўлим кўрсаткичлари шу ҳудуддаги аҳоли сонининг ўзгаришларига бевосита боғлиқ бўлади. Хусусан, Ўзбекистонда 1992 йилда аҳолининг сони 21106213 та бўлса, 2019 йилда ушбу кўрсаткич – 33255538 га тенг бўлган. Яъни, мамлакатда аҳоли сонининг ортиши доимий ва изчил кўринишда бўлиб, йилига ўртача 2,0-2,3%ни ташкил этган. Тадқиқот йилларида Ўзбекистонда аҳоли сони 57%га ортган.

#### 2. Нисбий ўлим кўрсаткичлари

Юқорида қайд этилганидек, суициддан ўлимнинг нисбий кўрсаткичлари тадқиқот йилларида мамлакатда ўтказилган жами мурда ва зўраки ўлим кўрсаткичлари нисбатида, шунингдек 100000 аҳоли сонига нисбатан ўлим кўрсаткичларида ўрганилди.

2.1. Суициддан ўлим билан боғлиқ мурдалар экспертизаси тадқиқот йилларида ўтказилган жами зўраки ўлимнинг ўртача 21,4%ни, мурдалар экспертизасининг 14,1%ни ташкил этган. Ушбу кўрсаткичлар текширув йиллари бўйича ўрганилганда ўзаро фарқланган ва айрим хос хусусиятларни намоён этган.


Хусусан, 1992 йилда суициддан ўлим ушбу йилда қайд этилган жами зўраки ўлимнинг 17%ни ташкил этган. 1994 йилдан (17,4%) суициднинг интенсивли-

ги ортиб бориш динамикасига эга бўлган ва 2000 йилда тадқиқот йиллари кесимидаги максимал кўрсаткич қайд этилган. Ушбу йилда жами зўраки ўлимнинг қарийб ¼ қисмини (24,2%) ўзини ўлдириш билан боғлиқ бўлган мурдалар экспертизаси ташкил этган. 2001 йилдан суициднинг интенсивлигида камайиш динамикаси кузатилган ва ушбу жараён 2005 йилгача (15,6%) узлуксиз давом этган. 2006 ва 2007 йилларда эса ўлим даражаси ушбу кўрсаткичга яқин бўлган, яъни мос тарзда: 17,1% ва 16,7%. 2008 йилдан бошланган кўтарилиш даври изчил кўринишда 2016 йилгача давом этган. Сўнгги йилда суициднинг зўраки ўлим ҳолатлари структурасидаги улуши энг юқори даражада (26,8%) бўлган. Кейинги уч йилда эса яна нотекис камайиш тенденцияси қайд этилган ( $P \leq 0,001$ ) (2-расм).

2.2. Тугалланган суициднинг жами мурда экспертизаларидаги улуши тадқиқот йиллари бўйича тақсимланишида ҳам юқоридаги каби динамика кузатилган. Жумладан, 1994 йилда суициднинг мурда экспертизаларидаги улуши минимал даражада кузатилган ва 11,7%ни ташкил этган. Кейинги йилларда суициднинг интенсивлиги ортиб борган ва 2000 йилда максимал кўрсаткичга етган – 16,2%. 2001 йилдан бошлаб суициднинг улуши яна камай-

иш тенденциясига эга бўлган ва узлуксиз тарзда 2005 йилгача (10,3%) давом этган. Зеро, ушбу йилда тадқиқот йиллари бўйича энг паст кўрсаткич қайд этилган. 2006 йилдан бошланган иккинчи кўтарилиш даври узлуксиз кўринишда 2016 йилгача давом

этган. Ушбу йилда тадқиқот йиллари кесимида энг юқори кўрсаткич қайд этилган – 16,9%. Сўнгги уч йилда ҳам ҳодисалар интенсивлиги 2016 йилдагидан паст бўлган ( $P \leq 0,001$ ) (3-расм).



2-расм. Суициддан ўлим кўрсаткичини жами зўраки ўлимга нисбати




3-расм. Суициддан ўлим кўрсаткичини жами мурда экспертизасига нисбати

2.3. Тадқиқот йилларида Ўзбекистонда 100000 аҳолига суициддан ўлим кўрсаткичи ўртача - 6,6га тенг бўлган. Лекин, тадқиқот йиллари кесимида ушбу кўрсаткич сезиларли даражада фарқланган.

Хусусан, 1994 йилда минимал кўрсаткич қайд этилган бўлиб, суициддан 100000 аҳолига 5,0 та ўлим ҳолати қайд этилган. 1995 йилдан ўлим кўрсаткичининг ортиб бориш динамикаси кузатилиб, ушбу жараён нотекис кўринишда 2000 йилгача давом этган. Сўнгги йилда 100000 аҳолига 8,4 та тугалланган суицид содир этилган. 2001 йилдан бошланган камайиш динамикаси 2008 йилгача давом этган.

Сўнгги йилда 1994 йилдаги каби 5,1 та суициддан ўлим ҳолати қайд этилган. 2009 йилда иккинчи кўтарилиш динамикаси бошланиб, ушбу жараён 2016 йилгача давом этган. Сўнгги йилда мамлакатда 100000 аҳолига нисбатан 8,0 та ўлим ҳолати қайд этилган. 2017 йилдан бошланган камайиш тенденцияси 2019 йилда ҳам давом этган (4-расм).

Э. Дюркгеймнинг фикрича, суицид жамоавий касалликнинг бир кўриниши бўлиб, ҳар қандай одамлар популяциясида суицидга мойиллик ўзига хос кўринишда мавжуд бўлади; ҳар бир халқ суициддан ўлимнинг ўзига хос фоиз даражасига эга бўлиб, ушбу кўрсаткич умумий ўлим кўрсаткичига нисбатан турфунроқдир [3].



4-расм. Суициддан 100000 аҳолига ўлим кўрсаткичининг динамикаси

Тугалланган суицид тадқиқотчилар томонидан онгли равишда, мақсадли тарзда, ўзини ҳаётдан маҳрум қилиш учун амалга оширилган аутоагрессив ҳаракат сифатида тавсифланади. Ушбу ҳодисанинг асосий хусусияти суицидент ўз ҳаракатларини тўла англаган ҳолатда, вужудга келиши мумкин бўлган оқибатни билиб, уни онгли тарзда содир этганлигидир.

Шунингдек, тугалланган суицид кўп омилли ижтимоий, иқтисодий, маданий, тиббий, ҳуқуқий, географик, диний муаммо сифатида ушбу соҳалар мутахассислари томонидан ўрганилади. Зеро, тадқиқотчилар суициднинг вужудга келишида аҳамиятли бўлган ҳавф омилларининг социологик, антропологик ва психологик кўринишларини фарқлайди.

Аммо, турли йиллар бўйича суд-тиббий экспертиза материаллари маълумотларининг динамик таҳлилида суициддан ўлим кўрсаткичлари ўзининг ички моҳиятга эга бўлган ҳодиса сифатида намоён этди. Суициднинг ички моҳияти аввало ушбу ҳодисаларнинг текширув йиллари бўйича доимийлиги ва даврийлигида намоён бўлган.

**Доимийлик хусусияти** – тадқиқот йилларида мамлакат ва жамият учун суициддан ўлим доимий мавжудлигида намоён бўлади. Суициднинг ушбу хусусияти ҳам абсолют ва ҳам нисбий кўрсаткичларига бирдек тааллуқли бўлган.

**Абсолют сонларда.** Тадқиқот йилларида мамлакатда жами 49924 та суициддан ўлим ҳолатлари қайд этилган бўлиб, ҳар йили ўртача 1849 та ҳодиса содир этилган. Бунда минимал кўрсаткич 1157 та (1992й.да) ва максимал кўрсаткич 2567 та (2016й.да) тенг бўлган.

**Нисбий кўрсаткичларда.** Суициддан ўлим даражаси нисбий кўрсаткичлари жами зўраки ўлим ва мурда экспертизаларига нисбатида, шунингдек 100000 аҳоли сонига ўлим кўрсаткичларида ўрганилди.

Илмий манбалардан маълум бўлишича, суицид билан боғлиқ мурдалар суд-тиббий экспертизаси жами мурда ва зўраки ўлимнинг салмоқли қисмини ташкил этади [8, 10]. Хусусан, Россия Федерациясининг айрим ҳудудларида олиб борилган тадқиқотларда суицид билан боғлиқ экспертизалар жами мурдалар экспертиза-

сининг 16-18% ни, зўраки ўлимнинг эса – 20-25%ни ташкил этиши маълум бўлган [5, 6].

Бизнинг тадқиқотларда суициддан ўлим ҳолати билан боғлиқ мурдалар экспертизаси жами зўраки ўлим ҳолатларининг ўртача 21,4%ни ташкил этган. Бунда энг паст кўрсаткич 1991 й.да (17,1%), энг юқори кўрсаткич эса 2016 й.да (26,8%) кузатилган. Суициддан ўлим билан боғлиқ экспертизалар тадқиқот йилларидаги жами мурдалар экспертизасининг 14,1%ни ташкил этган. Бунда минимал кўрсаткич 1992 й.да (11,7%), максимал кўрсаткич 2016 й.да (16,9%) қайд этилган.

ЖССТнинг тавсиясига биноан суициддан ўлим кўрсаткичи 100000 аҳолига нисбатан ҳисобланади. Умумжаҳон стандарт кўрсаткичларига мувофиқ 100000 аҳолига 9 тадан кам суицид ҳодисасининг қайд этилиши паст даражали, 10 дан 19 гача - ўрта, 20 дан 30 гача - юқори ва 30 дан ортиқ бўлса ўлим кўрсаткичи жуда юқори даражали деб баҳоланади [4,7]. ЖССТ маълумотларига кўра дунёда тугалланган суициддан ўлим кўрсаткичи 100000 аҳолига нисбатан ўртача 16 ни ташкил этади [9].

Ўзбекистонда тадқиқот йилларида суициддан ўлим кўрсаткичи ўртача 6,6 га тенг бўлган. Бунда минимал кўрсаткич 1994 йилда (5,1/100000), максимал кўрсаткич эса 2000 йилда (8,4/100000) қайд этилган. 2016 йилда ушбу кўрсаткич 8,0/100000 га тенг бўлган. Демак, Ўзбекистон тадқиқот йилларида суициддан ўлим кўрсаткичи паст бўлган ҳудудларга тааллуқли бўлган.

Юқорида келтирилган ўлимнинг абсолют ва нисбий кўрсаткичлари тугалланган суицид Ўзбекистон учун доимий ҳодиса эканлигини қайд этиш имконини беради. Шунингдек, суициддан ўлим аҳолининг демографик кўрсаткичларига салбий таъсир этадиган, зўраки ва мурда экспертизаларининг салмоқли қисмини ташкил этадиган ижтимоий ҳодисалардан бири сифатида намоён бўлган.

**Даврийлиги** – суициддан ўлим кўрсаткичларининг абсолют ва нисбий кўрсаткичларда тадқиқот йиллари кесимида ўзгариш динамикасида намоён бўлди. Бунда суициддан ўлим кўрсаткичларининг ўсиб бориши, ундан сўнг келадиган камай-

иш даврлари билан алмашилишида намоён бўлган. Кўрсаткичларнинг ўзгариш интенсивлигида маълум бир изчиллик, кетма-кетлик ва даврийликнинг мавжудлиги алоҳида эътиборга моликдир.

Илмий адабиётларда ҳам суициддан ўлим ҳодисаларига даврийлик хусусияти хос эканлиги қайд этилган. Масалан, Россиянинг Уфа шаҳрида [1] болалар ва ўсмирларда тугалланган суицид ҳодисаларининг камайиш ва ортиш даврлари ўзаро алмашинуви аниқланган. Хусусан, 2002-2005 йилларда ҳодисаларнинг камайиши (100000/36 дан 100000/23,3 гача), 2006-2008 йилларда эса аксинча ортиб бориш (100000/30,5дан 100000/38,6 гача) динамикаси қайд этилган.

Бизнинг тадқиқотларимизда текширув йиллари бўйича суициддан ўлим кўрсаткичларининг ўзгариши таҳлил этилганда ҳодисаларнинг кечиши тўлқинсимон кўринишга эга бўлиб, унда ўлим кўрсаткичларининг ортиши ундан сўнг келадиган пасайиш даври билан алмашинади. Зеро, ушбу даврларнинг алмашинуви ҳам ўз навбатида маълум бир кетма-кетлик ва даврийликда содир бўлган. Хусусан, тадқиқотнинг дастлабки йилларида (1992-1994 йилларда) пасайиш даври қайд этилган. Биринчи кўтарилиш даври 1995 йилдан бошланган ва ушбу жараён 2000 йилда энг юқори даражага етган. 2001 йилдан бошланган ўлим кўрсаткичининг камайиб бориш динамикаси изчил кўринишда 2008 йилгача давом этган. Иккинчи кўтарилиш даври 2009 йилдан бошланиб 2016 йилгача давом этган. Сўнгги 2017-2019 йилларда суицидда ўлим кўрсаткичининг интенсивлигида тадқиқот йилларидаги учинчи пасайиш динамикаси қайд этилган.

Тадқиқот натижалари суициддан ўлим кўрсаткичларининг ортиши ва камайишида намоён бўладиган даврийлик 15-16 йиллик муддатни ташкил этиши ҳақида хулоса қилиш имконини беради. Тугалланган суициднинг кечишига хос бўлган ушбу даврийлик хусусияти нафақат абсолют кўрсаткичларда, жинс, ёш гуруҳларида, балки нисбий кўрсаткичларда ҳам: 100000 аҳоли сонига, эркаклар, аёллар ва болалар гуруҳларида, жами зўраки ва мур-


да экспертизаларига нисбатида ҳам кузатилганлиги алоҳида эътиборга моликдир.

Тадқиқот натижалари, хусусан тугалланган суициддан ўлим кўрсаткичларининг кечишидаги доимийлик ва даврийлик хусусиятлари ўзини ўлдириш ҳодисаларининг вужудга келиш сабаби, хавф омилларига нисбатан янгича ёндошувни талаб этади. Зеро, юқорида қайд этилганидек, тадқиқотчилар суицид ҳодисасини кўп омилли ҳодиса сифатида ва унинг юзага келишида биринчи навбатда иқтисодий-ижтимоий ва тиббий омилларни ҳал этувчи аҳамиятга эга эканлигини эътироф этади. Аммо, мазкур тадқиқот натижалари суициднинг қайд этилган сабаблари ва хавф омиллари умуман олганда нисбий, тахминий кўринишга эга эканлигидан далолат беради.

Биобарин, ушбу тадқиқот ўтказилган 27 йил давомида Ўзбекистон аҳолисининг ёш, жинс гуруҳлари, этник таркиби сезиларли даражада ўзгарган. Шунингдек, мазкур йилларда мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётида жиддий ўзгаришлар содир бўлган. Яъни, илмий манбаларда аксарият эътироф этиладиган суицидал ҳодисалар интенсивлигини ортиши учун қулай шароит вужудга келган. Аммо, ушбу тадқиқотлардан маълум бўлишича, айнан 1992-1994 йилларда Ўзбекистонда суициддан ўлим кўрсаткичи минимал даражада бўлган.

Зеро, Ўзбекистонда аҳоли сони мунтазам ортиб бориш динамикасига эга бўлган ва тадқиқот йилларида аҳолининг ўсиш кўрсаткичи 57%га тенг бўлган. Шунга мос тарзда абсолют сонларда суициддан ўлим кўрсаткичи 1992 йилга нисбатан 2000 йилда - 166%га, 2016 йилда эса - 205%га ошган

Аммо, юқорида қайд этилганидек, ушбу йилларда суициддан ўлим кўрсаткичлари 100000 аҳолига нисбатан содир этилиш даражасида жиддий ўзгариш қайд этилмаган. Зеро, мамлакатда аҳоли сонининг ортиши билан суициддан ўлимнинг нисбий кўрсаткичлари динамикасида бирон-бир сабабий боғланиш қайд этилмади. Аксинча, максимал кўрсаткичларда камайиш тенденцияси мавжудлиги эътиборга молик. Хусусан, 2000 йилда кўрсаткич 8,4/100000 бўлса, 2016 йилда 8,0/100000 га тенг бўлган (5-расм).



5-расм. Суициддан 100000 аҳолига ўлим кўрсаткичи ва аҳоли сонининг ўзгариш динамикаси



## Хулоса

1. Ўзбекистонда тадқиқот йиллари бўйича суициддан ўлим кўрсаткичлари ўзининг ички моҳиятга эга бўлган ҳодиса сифатида намоён этди. Тугалланган суициднинг ички моҳияти аввало ушбу ҳодисаларнинг мазкур ҳудуд ва ушбу жамият учун доимийлиги ва даврийлигида намоён бўлган.

2. Тугалланган суициднинг доимийлик хусусияти – суициддан ўлимнинг абсолют ва нисбий кўрсаткичларида, жинслар кесимида ва болалар гуруҳида бирдек намоён бўлган.

3. Тугалланган суициднинг даврийлик хусусияти – суициддан ўлим кўрсаткичларининг ўсиб бориши, ундан сўнг келадиган камайиш даврлари билан алмашилиши ва тўлқинсимон кўринишда кечишида намоён бўлган. Кўрсаткичларнинг ўзгариш интенсивлигида, яъни ҳодисалар сонининг ортиш ва камайишида маълум бир изчиллик ва кетма-кетликнинг мавжудлиги алоҳида эътиборга моликдир. Бунда бир даврнинг давомийлиги ўртача 15-16 йилни ташкил этган.

4. Тугалланган суицид одатда кўп омилли ҳодиса сифатида эътироф этилади. Хусусан, суицидал ҳаракатнинг юзага келишида иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, наслий, маданий, диний омилларнинг аҳамиятли эканлиги таъкидланади. Лекин, шунга қараймай суициддан ўлим динамикасида маълум бир даврийлик ва изчилликнинг мавжудлиги аутоагрессия ҳаракатларини содир этилишида юқоридаги омилларнинг ўрни ва аҳамияти нисбий кўринишга эга эканлиги тўғрисида хулоса қилиш имконини беради.

## Адабиётлар

1. Валитова Г.М. Медико-социальное исследование суицидов среди детей и мероприятия по их профилактике. //Автореф. дис... канд.медич.наук. –Москва., 2010. – 24 с.
2. Гиясов З.А., Махсумхонов. Тугалланган суициднинг қиёсий таҳлили. //Биология ва тиббиёт муаммолари, - 2020, - №5.1.(123), - Б. 289-294.
3. Дюргейм Э. Самоубийство: Социологический этюд. Пер. с фр. с.сокр.; под ред. В.А.Базарова. – М.: Мысль, 1994. – 399, (1)с.
4. Зорастров М.О. Суициды в г.Тюмени и Тюменском районе в период с 1999 по 2003гг. // Проблемы экспертизы в медицине, - 2005, - №2 (17). - С.39.
5. Миронец Е.Н., Петров Г.П. Медико-статистический анализ завершённых суицидов в Чувашской Республике за 1992-1996 гг. //Проблемы экспертизы в медицине, - 2001, - №3, - С.30-32.
6. Сушенцев А.И., Шадымов А.Б. Анализ завершённых

суицидов на материале крупного межрайонного судебно-медицинского отделения за 2008-2010 гг. //Актуальные вопросы судебной медицины и экспертной практики, Барнаул-Новосибирск, - 2011., - Вып.17.

7. Хасаньянова С.В., Найденова Т.В. К вопросу о структуре смертности лиц мужского пола трудоспособного возраста в Удмуртии за 2003-2004гг. //Проблемы экспертизы в медицине, - 2005, - №4 (19), - С.22-24.

8. Benomran F.A. The medico-legal scene in Dubai: 2002-2007. //J Forensic Leg Med., 2009 Aug; 16(6):332-7.

9. Karbeyaz K, Akkaya H, Balci Y. Analysis of suicide deaths in a 15-year period in a Eskisehir, western Antalia, Turkey and the determination of risk factors. //Ann Saudi Med. 2013, - Jul-Aug; 33 (4):377-82.

10. Shrivastava P, Som D, Nandy S., Saha I., Pal P.B., Ray T.G., Haldar S. Profile of postmortem cases conducted at a morgue of a tertiary care hospital in Kolkuta. //J Indian Mad Assoc., 2010 Nov; 108(11):730-3.

## ТУГАЛЛАНГАН СУИЦИД ҲОЛАТЛАРИДА ЎЛИМ ТУРЛАРИ СТРУКТУРАСИ

Ғиёсов З.А., Махсумхонов К.А., Бахриев И.И.

**Мақсад:** Ўзбекистонда 1992-2019 йилларда ўтказилган мурдалар суд-тиббий экспертизалари материаллари бўйича суициддан ўлим кўрсаткичларини динамик таҳлил этиши. **Материал ва усуллар:** тадқиқот жараёнида суициддан ўлим абсолют ва нисбий кўрсаткичларда таҳлил этилди. Суициддан ўлим кўрсаткичларининг таҳлили суд-тиббий экспертиза хизмати муассасаларининг расмий статистик ҳисобот маълумотларини ретроспектив таҳлили натижаларига асосланди. **Натижалар:** суициднинг ички моҳияти аввало ушбу ҳодисаларнинг текширув йиллари бўйича доимийлиги ва даврийлигида намоён бўлди. Бу ўз жонига қасд қилиш масаласига янгича муносабатда бўлишни талаб қилади. Тугалланган суицид кўп омилли ҳодиса сифатида ва унинг юзага келишида биринчи навбатда иқтисодий, ижтимоий ва тиббий омилларни ҳал этувчи аҳамиятга эга эканлигини эътироф этади. **Хулоса:** Ўзбекистонда тадқиқот йилларида суициддан ўлим кўрсаткичлари ўзининг ички моҳиятга эга бўлган ҳодиса сифатида намоён этди. Тугалланган суициднинг ички моҳияти аввало ушбу ҳодисаларнинг мазкур ҳудуд ва ушбу жамият учун доимийлиги ва даврийлигида намоён бўлди.

**Калит сўзлар:** суд-тиббий экспертиза, тугалланган ўз жонига қасд қилиш, хавф омиллари, ўлим даражаси, динамик ўзгариш, профилактика чоралари.